

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ислом КАРИМОВ:

Қонунни биринчи навбатда ҳурмат қилиши лозим бўлган тизимларнинг ўзи унга ўзи хоҳлаган тарзда муносабатда бўлса, қандай қилиб ҳуқуқий давлат қуриши мумкин? Агар уларнинг манфаатларига мос бўлса, улар қонун посбонлари-ю, манфаатларига зид келса, қонунни оёқости қилишса, бу қайси мантиққа тўғри келади?

Такрор ва такрор таъкидлайман - қонун барча учун баробар. Қонун олдида ҳамма тенг. Биз қонун устуворлигини ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий тамойилларимиздан бири, деб бекорга белгилаган эмасмиз.

Мен яна бир марта огоҳлантириб қўймоқчиман, ўзбошимчалик билан корхоналар фаолиятига аралашиб бўйича ҳар бир факт қонуннинг қўпол бузилиши, деб баҳоланади ва айбдор шахслар қатъий равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу масала бўйича прокуратура идоралари алоҳида жавоб беради.

(11 февралда Вазирлар Маъжасининг мажлисидаги маърузасидан)

МУШОАДА

МАРДЛАР — МАЙДОНГА

11 февраль куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Сессия Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг тарихига доир муҳим ташкилий масалаларни муҳокама этди ва тегишли қарорлар қабул қилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодийни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар иккала мажлисни халқимиз телевидение орқали зўр диққат билан кузатди, уларда қабул қилинган қарорлар асосида жамоалар, ташкилотлар, турли идоралар, қолаверса ҳар бир фуқаро ўзига тегишли ҳаракат дастурини белгилаб олмақда; иш билан, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракат билан юртбошимизни, ҳукуматни қўллаб-қувватламоқда.

Бинобарин, Президент Ислом Каримов сессияда оўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаб ва Вазирлар Маъжаси мажлисидаги маърузасида ҳам қайд этганидек, «Ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, халқаро аҳоли, ички ва ташқи вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда энг юқори вазифаларда ўтирганларга, жумладан, ҳукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчи вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаби кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш, англаш қийин эмас».

Ана шундай шароитда икки тўққиз бирлашса, ғайрат-шижоатли, ишнинг кўзини биладиган фидойи етакчилар билан улғу ишларга азм этган, қийинчиликларни мардона сабр-тоқат билан енгиб ўтаётган халқ ҳаракати овоз ва обод ватанини бунёд этиш учун бир қудратли дарёга айланса, мақсад манзилимиз яна ҳам яқинлашган бўлур эди.

2000 йилдан эътиборан иқтисодийни эркинлаштириш давлатимиз учун глобал масалага айланди.

Иқтисодни эркинлаштириш шахсни эркинлаштириш дегани. Сиз ерни эгасига қайтариб беринг, ишбилармоннинг йўлини очиб қўйинг, бир сўз билан айтганда одамларга ишлашга имкон беринг, бу халқ мўъжиза кўрсатади; фаровонлик бўлувонни тоширади, Ўзбекистон тупрогининг ҳар бир қаричини очил дастурхонга айлантиради. 11 февралдаги мажлислар руҳи ана шу давбат билан суғорилган эди. Дарҳақиқат, подшоши одил, вазирлари доно, қонуншунослари ҳақўй, халқи овоз, мамлакатда ҳар доим фаровонлик ҳукм суриб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлини белгилаб олган. Халқимизнинг мутлақ кўпчилиги томонидан қайта сайланган президентимиз юрт мустақиллиги, тараққиёт сари юз тутган ҳаётимиз тинчлиги ва оқсоишта-лигининг монолит гаранти сифатида давлат кемасини порлоқ истиқбол сари дадил бошлаб бормоқда. Олий Мажлис депутатлари ва Ҳукуматнинг янги таркиби энг шимариб ишга киришди. Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш аниқ режалари белгилаб берилди. Фақат ичимиздаги куллиқни, қалбимизга чирмовидек ўрнашиб олган кўрқувни енга олсақ, тўрачилик кайфиятлари маҳв этилади, қонунбузарлик барҳам топади. Қучли давлатдан кучли ҳамиятга ўтиш, деганлари аслида мана шу. Президентимиз юксак минбардан туриб мардларни майдонга чорлаганлариде ана шу мақсадни назарда тутган эдилар.

Ўзбекистон мудом мардлар мамлакатни бўлиб келган.

ТАҶРИБА

АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ярим йилдан кўпроқ вақт бўлдики Хоразм вилоят прокуратурасида ахборот маркази фаолият кўрсатмоқда. Прокуратура ходимлари «штаб» деб атайдиган бу хона компьютер техникаси ва замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган. Аҳамиятига қараб махсус шифаларда батарея билан жамланган жилдларда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётига доир энг зарур маълумотлар ўрин олган. Айтилик, вилоятнинг бирор туманидаги бирон-бир маҳаллада жиноят содир бўлди. Масъул ходим шу ҳудудга тегишли папкалар жилдини олиб, маҳалла оқсоқоли, ҳудудий назир ва прокуратура ходимларидан ким вақил қилиб бирикти-

рилганини аниқлабгина қолмасдан, улар билан шу заҳоти боғлиқ, тезкор ҳулосалар чиқариши, ҳарита асосида вазиятни баҳолаши мумкин. Бу жилда ва компьютер хотирасида мазкур ҳудуддаги судланганлар, содир этилган жиноятлар, нотинч оилалардан тортиб, аҳолининг кайфияти ва қарашларига доир энг муҳим маълумотлар жамланган. Марказ кечасио кундузи дам олишсиз ишлайди ва прокуратура ходимларига вилоятнинг ҳуқуқий ҳаётини тўла назорат қилиб туриш имконини бермоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

МУШТАРИЙДАН МАҚТУБ

XXI АСР ЖУРНАЛИ

Куни кеча сеvimли журналим - «Қонун ҳимоясида»нинг янги сонини олдим, уйга боришга ҳам сабрим чидамай транспортда саҳифаларни варақлаб кетдим. Очиги, кўзим қунаб кетди. Гап шундаки, журнал бу йилдан бошлаб рангли чиқишни бошлабди. Саҳифаларнинг жилоси, безаклари, суратлар, қолаверса, муқова-си - барча-барчасида нафислик мужассам эди. Оддий муштарий сифатида мени бу ҳол жуда суюнттирди.

Уйга келиб, бош кўтармай журнални ўқиб чиқдим. Сўнг айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш истаги туғилди.

«Қонун ҳимоясида»нинг деярли ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Ундаги ҳар бир мақола, суд очерклари, суҳбатлар, мушоҳадага кидишчилар мен учун қизиқарли. Аммо унинг янги 2000 йилдаги илк сони аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Юқорида ранги, жилоси, безаклари тўғрисида гапирдим. Журналнинг мундарижасидан жой олган материаллар ҳам алоҳида тавсифага эга. Чунончи, Республика Бош прокурори Усмон Ҳудойқулов билан бўлган мусохабадаги кўтарилган мавзу, унга суҳбатдошларнинг ёндашуви, мазмунининг ошқоралиги, жавобларнинг дадиллиги ҳеч қимни бефарқ қолдирмаси керак.

Ҳамиятимизни ривожлантириш борасида прокуратура тизими зиммасидаги вазифалар, унинг масъулиятини ҳис қилган тизим хизматчилари олиб бораётган фаолиятни ўқувчилар мақолани ўқиб чиқиш жараёнида ўз тасаввурларида шакллантириб олган бўлсаларидан керак.

Журнал мундарижасидаги қатор назарий, фикрлашга чорловчи, қийинларинг ҳақ-ҳуқуқларини таниб олишлари учун муҳим

қўлланма бўлиб хизмат қилувчи мақолалар ҳам ўқувчиларнинг назаридан четда қолмайди. Бу чиқишлар жисмоний шахсларга ҳам, юридик шахсларга ҳам бирдек тегишлидир.

Булардан ташқари, таҳририят ходимлари долзарб мавзуларни, суд очеркларини, машъум жиноятлар тафсилотларини ҳам муштарийлар эътиборига ҳавола этганлар. Ўзбек эстрадасида ёрқин юлдуз даражасига кўтарилиши эҳтимолдан узоқ бўлганим, гўзал хонанда Лайло Алиеванинг ўлими, қотилликнинг ижрочилари борасида анча суд очерклари республикамиз мағбуотида кенг ёришиб берилди. Аммо «Қонун ҳимоясида» муҳбирлари томонидан ёзилган «Мени ҳаммиша шундай эсланлар» суд очерки кенг, баътафсил тафсилотлар билан баён этилади, беихтиёр қотилларга нисбатан кишида ғазаб уйғотади. Шундай, ўзига хос руҳдаги мақолалардан «Одам ови», «Гуноҳга ботган тун» каби жиноятчиларнинг кирдикорларини фош этувчи чиқишларни ҳам санаб ўтиш керак.

«Журналист текшируви» рункида берилган «Бизга нафақатимиз тўлайди?» мақоласидек ўткир қалам, холис нигоҳ билан битилган тадқиқот натижаларини ҳамма нашрларда ҳам топа олмайсиз.

Мен ўйлайманки, тилга олинган камчиликлар, фактлар мазкур чиқиш баҳона бўлиб, ўз ижобий ечимини топади. Зеро, муштарийларни ҳимоя қилишга бел боғлан таҳририят аъзоларининг мақсадлари ҳам ҳудди шундай, деб биламан.

Журнал яна бир хайрли ишга қўл урangkan, бу ҳолни мен авваллари кузатмаган эдим. Яъни ўз саҳифаларида «Назм» рункини ташкил қилган ва Ҳасан Карвонлининг шеърларидан бир ҳуқти-

ни эълон қилган. Аммо чиройли безатилган бу саҳифага, нимагадир, гўзал сатрлар муаллифи тўғрисида маълумот келтирилмаган, ёш шоир, ижодкор муштарийларга таништирилмаган.

Журналнинг доимий рунклари «Тафаккур чироғи» билан «Ҳуқуқ олампидан хабарлар» ҳам бошқаларидан қизиқарли чиққан. «Нигоҳ» рункига ҳам юқоридаги нисбатни берса бўлади. «Тинчлик ва тараққиёт қалқони» мақоласида БМТ ва унинг тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Павел Крал мамлакатимиздаги иқтисодий ва сиёсий жараёнларга ўз муносабатини билдирган. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, оддий фуқаро сифатида мен жаноб Кралнинг фикрлари билан қизиқиб танишиб чиқдим.

Нашр кенг қамровли мавзуларни ёритишда давом этиб, «Қадрият» рункида «Абдурауф Фитрат - дин ва этиқод эркинлиги тўғрисида» деб номланган мақола ҳам эълон қилган.

Таҳририят ушбу сонда яна бир янги рунк ташкил қилиб, эски аналарни «бузган». Машҳур ёзувчиларнинг эмас, прокуратура ходими - ҳуқуқшуноснинг детектив асарини бизнинг эътиборимизга ҳавола қилади. Қарши шаҳар прокуратурасининг терговчиси Сафар Каттабоев қаламига мансуб «Ғалати ўғри» қиссасининг давомини сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Мақтубнинг сўнггида «Қонун ҳимоясида» таҳририятининг ижодий ишларида янада улкан ютуқлар тилайман. 2000 йилнинг биринчи сони даражаси, шакл-шамойилини келгусида ҳам бўша-тирмасинлар деб истак билдириб қоламан.

Сардор ҚОБИЛҶОНОВ,
Тошкент шахри

«ХУҚУҚ»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Бўринош Сайфуллаев,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи —
231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхъ Фуломов
қўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Нашримиздан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II 333-MMX
компьютерига саҳифаланган.

Саҳифалаш ва дизайн
ишларини Б.Саидов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-142
Нусхаси — 23045

Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди 20.20

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Набатчи
Н.МАХМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ТАДБИР

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Бундан бир неча йиллар илгари юртобимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида «Биз бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашши учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг ҳавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий ҳавф-хатар деб ҳисоблаймиз», деб барча-барчани огоҳликка даъват этган эди.

Яқинда Кармана тумани прокуратурасида ана шу долзарб масалага бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Кармана маҳалла йиғинлари раислари, маҳалла побсонлари иштирок этишди.

Давра суҳбатини Кармана тумани прокурори М.Умаров очди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи муовини Ф.Тожиқидинов «Хизбут-таҳрир», ваҳобийлик ва бошқа зарарли диний оқимларнинг келиб чиқиш тарихи, унинг ҳақон сиёсати таъсири, республикамизда, вилоят ва туманимизда ана шу оқимларга кирган ёшлар билан қандай ишлар олиб

Маънавий-маърифий дунёқарашимизни Ислом динининг инсонпарварлик, ҳалолликка ундовчи ғояларини тасаввур этломаймиз. Афсуски, ақидапарастлар, фундаменталистлар, турли оқимларга бўлиган кимсалари ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун ислом динини никоҳ қилиб олдилар. Ана шу номақбул ҳаракатлар туфайли 16 феврал воқеалари ва бошқа хунрезликлар юз берди.

борилаётганлиги, оила, мактаб, маҳалла оқсоқоллар олдига турган вазифалар ҳусусида бадафсил маъруза қилди.

Туман прокурори М.Умаров танлаган хавфли йўлидан қайтиш учун тавба қиладиганлар бўлса ҳали ҳам кеч эмаслигини, маъмурий органларга учрашиш зарурлигини, улар албатта кечирилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг туман «Маҳалла-жамғармаси раиси Н.Содиқов, Кўчкор Қаршиев номли, Дехқон, Садриддин Айний, Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Б.Убайдуллаев Т.Усмонов, Р.Комилова, Т.Гадоев, М.Бозоров ана шу масала бўйича ўз маҳалла-ларида амалга оширилаётган ишлар борасида гапириб, учраётган айрим муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

А.Абдурахмонов номли маҳалла

посбони А.Файзиев посбонлар фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юрйтиди.
Вилоят прокуратураси тергов

бўлими бошлиғи И.Каримов, туман ички ишлар бўлими бошлиғи У.Ғафоров, вилоят «Дўстлик байроғи» газетаси ходими Н.Садриддинов ва бошқалар ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни янада ошириш, уларни ватанпарвалик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, оила, мактаб, маҳалла, кенг жамоатчилигини бу борадаги ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан тақлиф ва истакларини билдиришди.

М.Умаров давра суҳбатида яқун ясар экан, Ватанимиз тинчлиги, ҳалқимиз оқсоқолларига қарши қаратилган ҳар қандай диний оқимлар фаолияти таг-томири билан тугатилиши, ҳаммаш оғоҳ бўлиш зарурлигига давра суҳбати иштирокчилари эътиборини қаратди.

Одил ҲОТАМОВ,
Навий вилояти

МУҲАРРИРГА МАҚТУБ

ҚИШЛОҚҚА АТС КЕРАКМИ?

Кейинги пайтларда кўча-кўйда, энгил автомашиналарда, автобус-у самолётда, қўлидаги телефонда ким биландир гаплашётганларни кўп кўраёғимиз. Бу - Республикада почта-телекоммуникация алоқасининг аста-секин ҳақон андозалари даражасига кўтарилиб бораётганидан даллат. Ҳар қандай инсон ҳам бу ҳолга ҳавас билан қараши табиий. Лекин...

Бу манзара кўпроқ шаҳарларга хос. Қишлоқларда эса аҳвол бошқачароқ.

Яшаш манзилдан 50-60 километр узоқда хизмат қиламан. Вазият тақозосига кўра баъзан ишхонада қолишга тўғри келади. Бундай пайтда уйдагиларга хабар бериб, оиланинг тинчлигини билиб қўйиш керак. Лекин Фаргона вилоятининг Риштон туманида 27 рақам билан бошланувчи Зоҳидон АТСидаги телефонга соатлаб боғлана олмай хуноб бўлган қунарлар кўп бўлди. Туман марказидаги АТС да ишловчи алоқачи қизларга худонинг зорини қилиб ялмасиз. Аксига олиб улар ҳам Зоҳидон билан алоқа йўқ, қочилмаёғимиз, дейишди. Уларки, боғлана олмагандан кейин четдан ўзингиз код билан минг марта рақам терганингиз бефойда. Ана энди шундай пайтда кишининг асаби қандай бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!?

Нафақат вилоят, ҳатто туман марказидан туриб Зоҳидонга умуман телефон қилиб бўлмайди.

Яратганга минг шукр, мустақил бўлганимизга ҳам 9 уйл бўлаётти, юртимизда кўп соҳаларда ўзгарилар, янгиликлар бўлаётти. Минглаб қўша корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз билан ҳақон бозорига чиқиб бораёғимиз. Лекин афсуски, ана шундай бир пайтда қишлоқда алоқа хизматини йўлга қўйиш борасида изланишлар сезилмаётти. Биргина бизнинг туман қишлоқлариди, Зоҳидон қишлоғиди автомат телефон хизмати умуман ҳеч кимни қониқтирмайди.

Қўпича ўйланиб қоламан: ҳатто туман марказидан туриб телефонда гаплашиш имконини бермайдиган бундай АТСнинг нима кераги бор?

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
Фаргона вилояти, Риштон тумани, Зоҳидон қишлоғи

МУНОСАБАТ

Инсон онги ривожланган сари адолатли жамият қуришга бўлган интилиш, иштиёқ кучайиб боради. Адолатли жамиятнинг асосий шarti эса демократик тамойиллар асосида қонун устуворлигини таъминлашдир. Соҳибқирон Амир Темуриунг «Куч-адолатда», «Керда қонун кучли бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади», деган пурҳикмат ўғитлари бежиз айтилмаган, албатта.

Адолатли жамиятда қонунга барча баб-баравар бўйсуниб яшаши керак. Бунинг учун Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хуққини билиши ва уни ҳимоя қила олиши лозим. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли эса фуқароларнинг ҳуқуқий оғи ва маданиятини ошириш ва бу йўлда ҳуқуқий тарғиботи жуда кенг йўлга қўйишдир. Ҳўш, бугунги кунда Республикадаги ҳуқуқий наشرларнинг бу борадаги фаолияти талаб даражасида, уларнинг келгуси фаолияти қандай йўналишда бўлади? Нима учун кейинги пайтларда турли йиғилишларда муайян шахслар томонидан ҳуқуқий наشرларни бирлаштириш ва марказлаштириш тўғрисидаги тақлифлар бот-бот ўртага ташланаёттир ва бунга жамоатчиликнинг ҳамда зиёлиларнинг муносабати қандай? Суд-ҳуқуқ ва матбуот соҳасида фаолият кўрсатаётган турли соҳа ходимларининг шу масаладаги фикрлари билан қизиқдик.

ҲАР БИР НАШРНИНГ ЎЗ ЎҚУВЧИСИ БОР

Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,
Олий Маҳжлис
Қўмита раиси, депутат:

— Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда ҳуқуқий наشرларнинг ҳиссаси катта. Масзур наشرларни бирлаштириш ҳақидаги тақлифларга қўшилмайман. Менимча, ҳуқуқий наشرларни бирлаштиришга эҳтиёж ҳам, ҳолат ҳам йўқ. Асосий мақсад - ҳуқуқий тарғибот. Тарғибот битта жойда эмас, турли жойларда ҳалқ орасида бўлса, кўпроқ самара беради. Шунинг учун ҳам, ҳуқуқий наشرлар қанча кўп бўлса, шунча яхши деб ўйлайман.

Гофур АБДУМАЖИДОВ,
Конституциявий суд судьяси:

— Фикримча, ҳуқуқий наشرларни қисқартиришнинг зарурати йўқ. Аксинча, кўпайтириш лозим. Чунки ҳар бир наشرнинг ўз йўналиши бор. Бугунги кунда ҳуқуқий наشرлар аста-секин тақомиллашиб бормоқда. Лекин баъзи ҳолларда мақола-ларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фаолиятини, жиноят тафсилотларини ёритиш билангина чекланиб қолинапти.

Бундай мақолалар билан ҳалқнинг ҳуқуқий савиясини ошириб бўлмайди. Аксинча, муайян мантқа эга бўлган таҳлилий мақола-ларни чоп этиш зарур. Бунинг учун турли соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда фуқароларнинг муайян ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиблари ҳақида мукамал маълумотлар берадиган мақолалар чоп этилса фойдадан холи бўлмай-

ди. Демокриманки, умумийликдан муайянликка қараб бориш керак. Масалан, Конституцияда ҳар бир фуқаро пенсия ёшига етгач, пенсия олиш ҳуқуқига эга дейилган. Бу умумий тушунча. Энди худди шу пенсияни олиш учун фуқаро қаерга мурожаат қилиши, қандай ҳужжатларни тўллаши ва кимга топшириши лозим? Бу тартиб-қоидаларни хозирги кунда фақат ўша соҳа ходимларига мукамал билиши мумкин. Лекин аксарият фуқаролар билмайди. Натижада, улар бунинг учун қаерга боришни ва кимдан нима талаб қилишни билмай овора бўлиб юришади. Бундай вазиятдан қўпичча «ҳолис хизмат» шайдолари фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишади. Шунинг оқибатида қонунчи четлаб ўтиш ҳолатлари ҳам келиб чиқади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир шахснинг ҳаёти давомида киришадиган ҳуқуқий муносабатлари, ҳуқуқ ва бурчлари, мажбурият ва масъулиятлари нимадан иборат эканлигини аниқлашадиган мақола-лар кўпроқ чоп этилиши лозим, деб ўйлайман.

Рустам ҚОСИМОВ,
Республика матбуот тарқатиш

акционерлик жамияти раиси:
— Ҳуқуқий наشرларни бирлаштириб, кўп варақли битта газета қилиш керак эмас. Уларнинг фаолиятини кучайтириш учун битта нашриёт уйига бирлаштириш лозим. Бундай нашриёт уйи катта куч ва

(Давоми 6-бетда)



Эртақлар — яхшиликка этаклар...

ТОШКЕНТ ТЕРРОРИ

ЁХУД «ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ» САБАБЛАРИГА БИР НАЗАР

1999 йил 16 феврал, Тошкентнинг бош майдонида ва пойтахтимизнинг бир неча жойларида содир этилган портлатишлардан шахар титради. Тошкент биринчи марта диний экстремизмнинг жирканч қиёфаси билан юзмаюз бўлди...

Халқимиз тарихига «феврал воқеалари» номи билан кирган террор хуружи кимга керак бўлиб қолганлиги, унинг ортида кимлар турганлиги ҳамда дин никоби остидаги ҳаракатларнинг асл мақсади хусусида етарлича тушунчаларга эга бўлдилар. Қабих жиноятларга қўл урганлар тегишли жазога тортилдилар. Диний экстремистлар таъсирга адашиб тушиб қолган минглаб ёшларнинг гуноҳлари афв этилди. Адашганларга хатоларини тўзатиш учун имконият яратилди. Аммо, айна дамларда ҳам пайи қирқилган террористик ҳаракатларни жонлантиришга, дин пардасига ўралган ёвуз ниъатларни амалга ошириш йўлида турли хил ғаламисликларни қилишга уринаётганлар учраб турибди.

Мухбиримизнинг «феврал воқеалари»га бағишланган *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бошқармаси*нинг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, милиция подполковниги, ички ишлар идоралари тизимида диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни биринчилардан тергов қила бошлаган Абдумутал ЗАКУРЛАЕВ билан суҳбатда ана шундай ҳаракатлар, уларнинг сабаблари ва бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган тадбирлар хусусида сўз юритилади.

— Абдумутал ака, «феврал воқеалари» ва бошқа диний-экстремистик ҳаракатлар билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда фаол иштирок этиб келмоқдасиз. Айбланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Айтилгачи, уларни тергов қилаётганингизда ёки «иш»ни суд ҳукмига ҳавола этаётганингизда кўнглингиздан нималар ўтади? Сизни нималар изтиробга солади?

— Биласизми, ҳар гал терговнинг машаққати меҳнатига нўқта қўярканман, қалбим изтиробли саволлар гирдобига қолади: Нега гўлдай ёшларимиз кимнингдир ноғорасига ўйнаши керак? Нега улар умрларининг энг «қаймоқ» давларини қамоқ жойларда ўтказишлари керак? Уларни нима бу йўлга бошлади, бу ҳаракатлардан кимлар манфаатдор?

Ҳар гал тергов жараёнида ана шундай саволларга жавоб топишга, уларни таҳлил этишга интилам. Хулосаларимга таяниб айтадиган бўлсам, бунинг сабаблари кўп экан...

— Масалан...

— Сир эмаски, «худосизлар жамияти» деган номни олган собиқ

Иттифоқ ташкил топган илк давриданоқ динга қарши мурасасиз кураш бошлади. «Дин афюндир», деган мантиқсиз гапни улар ўзларининг шиорларига айлантиришди. Қисқа қилиб айтганда, 70 йил давомида дин ва диндорлар қаттиқ таъжиб остига олиб келинди. Улар динни, динга бўлган эътиқодни бутунлай йўққа чиқармоқчи бўлдилар. Лекин, шўро атеистларининг динни халқ қалбидан улоқтириб ташлашга бўлган ҳаракатлари поёнига етмасдан қолаверди. Ахир, одамлар кўнглидан динни бутунлай сидириб ташлаб бўлмайди-ку! Фақатгина уларнинг диний эркинликлари бўғиб қўйилди, холос. Шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз мустақиллики қўлга киритгач, бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Асосий қонунимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланди. Ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқлари белгилаб қўйилди. Заминимизда буй кўрсатмай қолган масжидлар қад ростлай бошлади, диний таълим берувчи ўқув даргоҳларининг фаолияти кенгайтирилди, ҳаж сафарига бориб келувчилар учун катта имкониятлар яратилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расман байрам сифатида эълон қилиниб, ушбу кунлар дам олиш кунини деб белгилаб қўйилди.

Халқимизда динга бўлган қизиқиш, интилиш жуда кучли. Динни, Исломи соғинган юрт эмасми, масжидларимизга номозхонлар гирдобига қолади. Уларнинг қалбда мавжуд тузумга, жамиятга нисбатан нафрат уйғотишга интилдилар. Бу борада Ватан ҳоинларига уларнинг хорижий ҳаммаслаклари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Натияжада, ташкил топган

жойларида таъжибга, қувгинга учираган ваҳобийлик, хизбут-тахрир сингари экстремистик-диний оқимлар мамлакатимизда шакллана бошлади. Мазкур оқимларнинг намояндалари бўлган Обид қори (Обиджон Назаров), Тўлқин қори (Юлдош Эргашев) сингари кимсалар ҳамюртларимизнинг фикрларини захарлаб, жоҳилият ботқоғи томон судрай бошладилар. Шунинг билан биргаликда, Ўзбекистондаги турли ўқув юртлирида таълим олиб юрган Салоҳиддин, Билол, Исом, Абу Бақр исмли араб миллатига мансуб шахслар 1991 йилдан бошлаб, мамлакатимизда, асосан, Тошкент ва Андижонда илк диний халқларни ташкил этдилар. Араб тилини мукамал билган Ғулмосиб Мурсажонов, Абдурашид Қосимов (ҳар иккаласи ҳам суд ҳукми билан тегишли жазога тортилган), Фарҳод Усмонов (вафот этган) сингари кимсалар ва айна дамда терговдан қочиб юрган бир неча шахслар республикамизда юқорида номи тилга олинган оқимларни ёйишга ҳаракат қилганлар. Фақатгина 1995 йилнинг ўзида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида 30 га яқин шахслар диний маросимлар никоби остида йиғилишлар ўтказишиб, Ўзбекистонда хизбут-тахрир ҳаракати фаолиятини кенгайтириш хусусида келишиб оладилар.

Бу оқимларнинг жуда тез тарқаб кетишининг сабабларидан бири юқорида айтиб ўтганимдек, ёшларнинг илмга, динга чанқоқлиги туфайли ғаламис кимсалар таъсирга тушиб қолганлигидир. Уша вақтларда масжидларда хуфёна равишда тарғибот ишларини олиб бораётган унсурлар масжидга келиб-кешиб юрган ёшларни кузатув остига оладилар. Уларнинг тоат-ибодатларда йўл қўйган камчиликларини майинлик билан тушунириб, ишонч қозонадилар. Сўнгра аста-секинлик билан ўзларининг жирканч ниъатларини амалга оширишга киришадилар. Улар сафларини биринчи навбатда ота-онаси баобўр, ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари ҳисобига тўлдирishга ҳаракат қилишган. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Масалан, маҳалла-қўйда етарли мавқега эга бўлган, одамлар ҳурматини қозонган кишилар турли гумонлардан холи юради. Уларнинг болаларини кўпинча бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишди. Бу эса ўша оила фарзандининг ўзи жалб қилинган ҳаракатга бошқа тенгдошларини ҳам қиратишга етарлича имконият беради. Қолаверса, моддий таъминоти мустаҳкам оилаларнинг фарзандлари табарруот (бадал) пулларини ҳам доимо вақтида тўлаб боради.

Шу ўринда бир нарсага эъти-

бор қаратиш керак. Улар ўзларининг атрофида қўллаб ёшларни тўплай олганлигининг сабаби нимада? Буни аввало, қўйидаги омил билан изоҳлаш мумкин: Мамлакатимиз фуқароларида Исломга бўлган эътиқод кучли, аммо дин хусусидаги билимлар етарли даражада эмас. Ана шунинг учун ҳам, ўзларини дин йўлига қираяпмиз, деб ҳисоблаган айрим ёшларимиз ўта зарарли бўлган диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолдилар. Бу оқимлар раҳбарларининг ўзларининг манфаатлари йўлидаги дин никобига ўралган мақсадларини ёшлар Ислом динининг ҳақиқий ғоялари сифатида қабул қила бошладилар. Бу эса ватанфурушларга сафларини кенгайтиришга жуда қўл келади. Натияжада, қувгинга учраган диний экстремистик ҳаракат вакиллари республикамизда шакллана бошлади ва бу ҳол хориждаги ниъати бузук кимсаларга ҳам жуда қўл келди ва улар мазкур оқимларни

ғиз, тожик ва туркман тилларига таржима қилиниб, тарқатиш учун тайёрлаб қўйилган «Хизбут тахрир» адабиётлари ва қўлланмалари топилганлиги фикримнинг исботидир.

— Тошкентда содир этилган террористик ҳаракатлардан кейин айниқса, ваҳобийлар, хизбут-тахрир деган тушунчалар тез-тез тилга олинмаган бўлди. Айримлар улар ҳақида етарли тушунчага эга эмаслар, уларнинг бир-биридан нимаси билан фарқ қилишларини ҳам билмайдилар. Шу хусусда тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам бу иборалар кейинги вақтда ўзаро сўхбатларда тез-тез ишлатиладиган бўлди. Телевидение, оммавий ахборот воситалари мазкур тушунчалар хусусида халққа мумкин қадар кенг-роқ маълумотлар беришга интилдилар. Сўхбатимиз ушбу тушунчалар билан бевосита боғлиқ экан, мен бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтирмасдан, қисқача бўлса-да



ҳар томонлама қўллаб-қувватлай бошладилар.

— Халқимизда қўшининг тишич — сен тишич, ўзингга раво кўрмаган нарсангни бошқаларга ҳам раво кўрма, деган сержамма нақлар бор. Бу мақолларни унутмаган ҳолда Сизга қўйидаги савол билан мувожаат қилмоқчиман: Нима учун Сиз тилга олиб ўтган диний оқимларни айнан Ўзбекистонга киритишга ва шакллантиришга ҳаракат қилинди?

— Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Аввало, мамлакатимизнинг жуғрофий жиҳатдан жойлашган ўрни уларни жалб этади. Қолаверса, ўзбеклар, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларига сезиларли даражада таъсир этиб келган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, улар юртимизда ўзларининг зарарли оқимларини етарли даражада шакллантириб олишга, ҳаракатларини бизга қўшни бўлган бошқа давлатларга ёйиш анча осон кечарди. Мазкур мақсадлар учун тайёргарлик ишлари ҳам қўриб қўйилган. Масалан, Носировлар ушланган вақтида, уларнинг компютерига қозоқ, кир-

уларнинг бир-биридан қандай жиҳатлар билан фарқлинишини тушуниришга ҳаракат қиламан.

Маълумки, хизбут-тахрир суннийлик доирасидаги сиёсий партия бўлиб, 1952 йилда Қудуд шахрида фаластинлик Тахюддин Набахоний томонидан Ихвонул муслимин диний ташкилотидиғи маслакдоши Сайид Қутб билан келиша олмай қолганидан сўнг ташкил этилган. Мазкур партиянинг асосий ғояси исломий қонунларга асосланган ва оламга унинг даъватини олиб чиқадиган исломий давлатни барпо қилиш ҳамда ушбу давлатни Халифа раҳбарлигида шарият қонунлари асосида бошқаришни амалга оширишдир. Унинг узил-кесил мақсади жиҳод қилиш, қурол ишлатиш йўли билан амалдаги конституцион тузумни ағдартиш ҳамда ҳокимиятни эгаллаш, шу йўл билан ислом давлатини барпо қилишдир. Хизблар халифалик давлатини тиклашни гоё қилиб, демократия бўлишини инкор этадилар. Улар асосан, фикрий, фалсафий курашга эътибор қаратадилар.

Ваҳобийлик эса ислом дини-



даги диний-сиёсий оқим. Унга XVIII асрда Арабистонда Мухаммад Ибн Абдал-Ваҳоб асос солган. Ваҳобийлар яққа худодликни қатъий талаб этиб, динни «тозалаш»га, уни пайгамбар давридаги асл ҳолига келтиришга, мусулмонларни «чинакам ислом»нинг яшил байроғи остида бирлаштиришга ҳаракат қиладилар. Ҳаёт кескин фанатизм ва экстремизм унинг асосий «фазилат»ларидандир.

длик билан қараганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз, эътиқоди бундай кўнглизликларга йўл қўй-маслик учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Ростини айтиш керак, ўзларини динни пайгамбаримиз давридаги ҳолатга қайтарувчилар, халифалик давлати ўрнатиш йўлида жиҳод йўлига кирганлар, деб атаган Ватан хоинлари юқорида айтиб ўтганимиздек, ўта пинҳона, босқинча-босқинча иш олиб бордилар. Ва бу пинҳоний ҳаракатларнинг оқибати Тошкент шаҳрида содир этилган террористик актга чорлаб бориб етди. Тан олишимиз керак, кўп марта тилга олинганидек лоқай-длик иллати бу воқеаларнинг ривожига туртки бўлди. Юртбошимизнинг катта-катта минбарларида туриб айтган истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашимиз керак, ватанимиз равнақини кўролмайдиган ҳам ички, ҳам ташқи душманларимиздан огоҳ бўлишимиз лозим, деган даъватларига худди бизнинг қўлга киритган эркимиз ҳар томонлама муҳофаза этилган, нидек юзаки қаралди. Оқибатда...

Юракларни азоб ўтига солган, қалбларни ўртаган нарса ҳам истиқлолимиз душманларининг ўз длик билан қараганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз, эътиқоди бундай кўнглизликларга йўл қўй-маслик учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Маҳалламиздан, ўз уйимиздан чиқадиган давлат бошқаруви билан гиж-гиллаб ўрталарида зиддият келиб чиқаришга ундовчи варақалар тарқатади, зиддиятлар кучая бориб учинчи босқин ўз-ўзидан умматда бу давлатни тўнтаришга ва исломий халифалик давлатини тузишга иштиёқ уйғотиб, давлат тўнтарилиши ва ҳукуматни эгаллаш мафқураси олдига сурилади, шу боис ҳам Ҳизбут-Тахрир партияси учун жиҳод фарзи айн (бажарилиши шарт бўлган) - фарз, бу даъват олиб боришидан иборатдир. Ҳар уччала босқин амалий натижа бермас курулли кураш йўли билан давлат бошқарувини эгаллаш ҳам назарда тутилган.

— Абдимутал ака, истиқлолимиз солимасига доғ бўлаб тушган юқоридаги каби воқеалар ҳар бир юртдошимизни ташвишга солиши ташвиш. Лексин, очигини айтмаган бўлсак, ана шу воқеаларнинг илдиз отиб кетишига сабабчи бўлганлар, бу ҳаракатларга лоқай-

сан ўзи отасидан қасам қабул қилган. Жуфти-ҳалолини ҳам бу ҳаракатга жалб қилган. Набиевнинг рафикасининг аёлиги ва воёга етмаган фарзандлари борлиги инobatга олиниб, жинойий жавобгарликка тортилмади. Унинг масаласини муҳокама қилиш тўғрисида фуқаролар йиғинига киритилган тақдимнома эса эътибордан четда қолган.

Мен яна бир масалага — аёлларнинг фарзанд тарбиясида тутган ўрни хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Аёлларнинг аксарияти асосан уй юмушлари, бола тарбияси билан машғул бўлишади. Шундай экан, ҳар бир ўғил-қизнинг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати, кимлар билан мулоқотда бўляпти, қандай китобларни мутолаа қилаёпти, хуллас, ҳар бир ҳаракати доимий эътиборда бўлиши лозим.

Шунингдек, хизб йўлига кирган аёллар тарбияси билан шуғулланувчи фаолларимиз ҳам ҳаракатларини жонлантиришлари шарт. Негаки, улар томонидан тарғиб қилинаётган зарарли тушунчалар таъсирга кўлаб ёшлар тушиб қолиши мумкин. Негаки, хизбдаги аёл фақатгина даъват олиб бориш билан чегараланмасдан, зурриёдини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Ўз навбатида унинг юқтирган фикрлари фарзандининг бошқа тенгдошларига ҳам таъсир этиши мумкин.

Аслида аёлларга даъват олиб бориш исломда ҳаром қилинган. Баъзи чаласавод «отинча»ларимиз эса аёлларнинг йиғилишларида, маъракаларда даъват олиб боришдан ўзларини тия олмаяптилар, ўзларича ана шундай йиғилишлар ташкил этаёптилар.

Яна бир масала. Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза, Камолон, Кўкча, Шофайз, Оқлон, Янгиобод, Ракат, Бошлиқ, Ўрикзор, Қорақамиш ва Юнусобод даҳаларида хизб фаолияти бирмунча ривожланган. Айрим хизбчилар ҳамон жинойий жавобгарликдан қочиб юрибдилар. Мазкур маҳаллаларнинг оқсоқоллари, маҳалла фаоллари бу инobatга олинган ҳолда алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Ўтган йилнинг 16 февралдан бошлаб йил охиригача олиб борилган тадбирлар натижасида диний экстремизмга мойиллиги бўлган 113 нафар шахс қўлга олинди, уларнинг уйларида тинтув ўтказилди. Тинтувлар натижасида диний экстремистик ғоялар билан йўғрилган 2200 дан ортиқ диний адабиётлар ва варақалар, 1000 га яқин аудиокассеталар, 68 та видеокассеталар ҳамда гиёвандлик моддалари, ўқ-дорилар топилди. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахслар суд ҳукми билан жазога тортилдилар.

Шунинг билан бирга, ишчи гуруҳи фуқароларнинг уйларида ва бошқа жойларда номонуний равишда диний сабоқ бериш билан шуғулланиб келаётган шахсларни фош этиш мақсадида ички ишлар ходимлари иштирокида қатор текширувлар ўтказди. Текширишлар жараёнида ана шундай фаолият билан шуғулланиб келаётган 7 нафар фуқаро аниқланиб, уларнинг ҳаммаси маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Юқоридагилар билан бирга, хизбут-тахрир, ваҳобийлар ҳамда акромийлар каби диний оқим аъзолари, тарафдорлари ва уларнинг таъсирга тушиб қолган шахсларни аниқлашга жиддий эътибор берилди. Чунончи, ички ишлар ходимлари томонидан диний экстремизмга мойил бўлган 86 нафар шахснинг қилмишлари фош этилди.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Аҳоли яшайдиган жойларда ва давлат иншоотларида юзага келиши мумкин бўлган факулда ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи» асосида вилоят ҳудудида ва вилоят маркази Бухоро шаҳрида жамаот тартибини сақлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кўпорувчилик, террорчилик актларини ўз вақтида аниқлаб, уларни олдини олиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аҳоли ўртасида кенг қўламада тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор бердилар. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари даврида телевидение, радио ва маъتبот кучидан самарали фойдаланилди.

Ортимизнинг тинчлиги, хонадонларимизнинг осойишталиги нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, балки ҳар бир ҳамюртимизга ҳам боғлиқдир. Ўйлайманки, бундан соғлом фикр-ловчи юртдошларимиз яхши тушунадилар ва мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайдилар.

Дилшод ИСЛОМОВ
сўхбатлашди

Диний экстремизм нақадар ёвуз куч эканлигини халқимизга тушунтириб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса, керак. Негаки, ўтган йилда дин неқоби остидаги хоинларнинг мамлакатимизнинг турли жойларида содир этган террористик актлари ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб бўлганди. Бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун ҳуқуқ-тартибот идоралари қатъиятлик билан иш олиб бормоқдалар. Жумладан, бу борада Бухоро вилоят прокуратураси томонидан ҳам ўтган йил давомида муайян ишлар амалга оширилди.

ҚИЛМИШЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ

Ўтказилган тадбирларда асосий эътибор вилоят ҳудудида жойлашган диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганишга, экстремистик руҳдаги диний гуруҳларни аниқлашга, жойлардаги ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятни ўрганишга қаратилди. Мазкур йўналишдаги ишларни таҳлил этиб бориш, ишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, миллий хавфсизлик хизматининг вилоят бошқармаси ҳамда божхона бошқармаси ходимларидан таркиб топган махсус ишчи гуруҳи тузилди. Вазият



Суратда: Вилоят прокурорининг ўринбосари, тергов бошқармасининг бошлиғи Ботир НОРОВ бўлим прокурорлари Салим Ашуров (унгда) ва Комил Ҳасанов (чапда) навбатдаги вазифалар ҳусусида сўхбатлашмоқда.

Шунинг билан бирга, ишчи гуруҳи фуқароларнинг уйларида ва бошқа жойларда номонуний равишда диний сабоқ бериш билан шуғулланиб келаётган шахсларни фош этиш мақсадида ички ишлар ходимлари иштирокида қатор текширувлар ўтказди. Текширишлар жараёнида ана шундай фаолият билан шуғулланиб келаётган 7 нафар фуқаро аниқланиб, уларнинг ҳаммаси маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Юқоридагилар билан бирга, хизбут-тахрир, ваҳобийлар ҳамда акромийлар каби диний оқим аъзолари, тарафдорлари ва уларнинг таъсирга тушиб қолган шахсларни аниқлашга жиддий эътибор берилди. Чунончи, ички ишлар ходимлари томонидан диний экстремизмга мойил бўлган 86 нафар шахснинг қилмишлари фош этилди.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Аҳоли яшайдиган жойларда ва давлат иншоотларида юзага келиши мумкин бўлган факулда ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи» асосида вилоят ҳудудида ва вилоят маркази Бухоро шаҳрида жамаот тартибини сақлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кўпорувчилик, террорчилик актларини ўз вақтида аниқлаб, уларни олдини олиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аҳоли ўртасида кенг қўламада тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор бердилар. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари даврида телевидение, радио ва маъتبот кучидан самарали фойдаланилди.

Ботир НОРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг ўринбосари,
адляя катта маслаҳатчиси



Ваҳобийлар дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, муסיқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланиш, бадий завқ-шавқ олишни кечирилмайдиган гуноҳ, деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг воситасида ўз тартиб-таомилларини ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий кураш олиб боришди, фақат бу ниятни амалга ошириш учун диндан восита сифатида фойдаланишди, холос.

Ваҳобийлик оқи-мида Жиҳод эълон қилишлик (ислом йўлида кураш эълон қилмоқлик) курулли тўқнашувлар орқали уруш йўллари билан давлат бошқарувини қўлга киритиб мамлакатни исломий ҳаётга қайтариш ҳисобланади. Ҳизбут тахрир юқорида қайд этилган босқинлар орқали: биринчи босқинда фақат уммат ўртасида динга эътиқодни уйғотиш, номоз ўқиш, динни танишга қаратилган ҳаракатлар орқали одамлар онгига диний эътиқодни сингдиради, иккинчи босқинда диний

эътиқоди кучайган умматни амалдаги давлат бошқаруви билан гиж-гиллаб ўрталарида зиддият келиб чиқаришга ундовчи варақалар тарқатади, зиддиятлар кучая бориб учинчи босқин ўз-ўзидан умматда бу давлатни тўнтаришга ва исломий халифалик давлатини тузишга иштиёқ уйғотиб, давлат тўнтарилиши ва ҳукуматни эгаллаш мафқураси олдига сурилади, шу боис ҳам Ҳизбут-Тахрир партияси учун жиҳод фарзи айн (бажарилиши шарт бўлган) - фарз, бу даъват олиб боришидан иборатдир. Ҳар уччала босқин амалий натижа бермас курулли кураш йўли билан давлат бошқарувини эгаллаш ҳам назарда тутилган.

— Абдимутал ака, истиқлолимиз солимасига доғ бўлаб тушган юқоридаги каби воқеалар ҳар бир юртдошимизни ташвишга солиши ташвиш. Лексин, очигини айтмаган бўлсак, ана шу воқеаларнинг илдиз отиб кетишига сабабчи бўлганлар, бу ҳаракатларга лоқай-



маҳалламиздан, ўз уйимиздан чиқадиган давлат бошқаруви билан гиж-гиллаб ўрталарида зиддият келиб чиқаришга ундовчи варақалар тарқатади, зиддиятлар кучая бориб учинчи босқин ўз-ўзидан умматда бу давлатни тўнтаришга ва исломий халифалик давлатини тузишга иштиёқ уйғотиб, давлат тўнтарилиши ва ҳукуматни эгаллаш мафқураси олдига сурилади, шу боис ҳам Ҳизбут-Тахрир партияси учун жиҳод фарзи айн (бажарилиши шарт бўлган) - фарз, бу даъват олиб боришидан иборатдир. Ҳар уччала босқин амалий натижа бермас курулли кураш йўли билан давлат бошқарувини эгаллаш ҳам назарда тутилган.

— Абдимутал ака, истиқлолимиз солимасига доғ бўлаб тушган юқоридаги каби воқеалар ҳар бир юртдошимизни ташвишга солиши ташвиш. Лексин, очигини айтмаган бўлсак, ана шу воқеаларнинг илдиз отиб кетишига сабабчи бўлганлар, бу ҳаракатларга лоқай-

«БУХОРОДОНМАХСУЛОТЛАРИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



Халқимиз дастурхони учун ўзининг 34 турдаги юқори сифатли нон ва нон маҳсулотларини таклиф этади ва чекланмаган миқдорда ун ва ун маҳсулотларини етказиб беради.

Шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари учун тўйимли озуқалар етказиб беради.

Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 61-уй.
Тел.: (8-365) - 225-72-80



«БУХОРОСЎТ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

27 йиллик иш малакаларимиз маҳсули дастурхонингиз беағдир. Юқори сифатли ва мазали маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Манзилимиз:
Бухоро шаҳри,
Когон шоссеси, 20 «А»-уй
Тел.: (8-365) - 223-06-21,
225-00-85



